



## COEXISTENCE OF THE STATE AND SOCIETY IS AN OBJECTIVELY NECESSARY PHENOMENON

**Anvar Yakhshiev**

*Candidate of Historical Sciences, Associate Professor  
International School of Financial Technologies and Institute  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** State, society, community, life, style, way, means, nation, people, territory, man, history, experience, transformation, management, ideology, liberal democracy, decline, kingdom, citizen, nation, community.

**Received:** 05.01.24

**Accepted:** 07.01.25

**Published:** 09.01.25

**Abstract:** This article, devoted to the issue of the objective necessity of coexistence of the state and society, is analyzed from a socio-political point of view, in which the philosophical and logical aspects of the problems are comprehensively examined. Based on the fact that this problem has not yet been sufficiently studied in the science of the region and the homeland, the author, relying mainly on the analyses of foreign researchers, studying the problem from a general theoretical and practical point of view, managed to turn the process of analysis to the environment of society in Uzbekistan. The article serves to fill a certain gap that awaits its solution in the science of philosophy and political science, and the scientific conclusions presented in it have practical significance.

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУШТАРАКЛИГИ – ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЙ ҲОДИСА

**Анвар Яхшиев**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
International School of Financial Technologies and Institute  
Тошкент, Ўзбекистон  
E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Давлат, жамият, муштараклик, ҳаётий фаолият, услугуб, йўл, восита, миллат, элат, худуд, инсон, тарих, тажриба, айнанлашув, бошқарув, мафкура,

**Аннотация:** Давлат ва жамият муштараклиги объектив зарурат эканлиги масаласига бағишланган ушбу мақола ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан таҳлил килиниб, унда масалнинг фалсафий-

либерал-демократия, таназзул, салтанат, фуқаро, халқ, жамоа.

мантиқий жиҳалари атрофлича тадқиқ қилинган. Ушбу муаммо минтақа ва Ватан илм-фанида ҳануз етарлича тадқиқ этилмаганлигидан келиб чиқиб, муаллиф асосан хорижий тадқиқотчилар таҳлиллариға таянган ҳолда, муаммони умумназарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш баробарида таҳлил жараённи Ўзбекистон жамияти мухитига буришнинг уддасидан чиқа олган. Мақола фалсафа ва сиёсатшунослик илмида ўз ечимини кутаётган муайян бўшлиқни тўлдиришга хизмат қиласи ва унда илгари сурилган илмий холосалар амалий аҳамият касб этади.

## ЕДИНСТВО ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА — ОБЪЕКТИВНО НЕОБХОДИМОЕ ЯВЛЕНИЕ

**Анвар Яхшиев**

Кандидат исторических наук, доцент

International School of Financial Technologies and Institute

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [anvarfavran@rambler.ru](mailto:anvarfavran@rambler.ru)

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Государство, общество, община, жизнедеятельность, стиль, путь, средства, нация, народ, территория, человек, история, опыт, преобразование, управление, идеология, либеральная демократия, упадок, царство, гражданин, нация, сообщество.

**Аннотация:** Данная статья, посвященная вопросу объективной необходимости существования государства и общества, анализируется с общественно-политической точки зрения, в которой всесторонно исследуются философско-логический аспекты проблемы. Исходя из того, что данная проблема еще недостаточно исследована в науке региона и отчизны, автор, опираясь преимущественно на анализы зарубежных исследователей, изучая проблему с общетеоретической и практической точки зрения, сумел обратить процесс анализа на среду общества Узбекистана. Статья служит восполнению определенного пробела, ожидающего своего решения в науке философии и политологии, а изложенные в ней научные выводы имеют практическое значение.

### КИРИШ

Давлат, жамият ва инсоннинг ўзаро муносбатлари, жамоа бўлиб яшаш йўлини ихтиёр этган инсонлар ўз хуқуқ ва ваколатларининг катта қисмини давлатга ихтиёрий ва ёхуд аксинча тақдим этишларига сабаб бўлган объектив ва субъектив омиллар масаласи

сиёсатшунослик илми ва фалсафанинг, қолаверса, тарих фанининг ҳам муҳим илмий баҳс объектлари сирасига киради. Маълумки, инсон ўзини танигандан бери муносиб ҳаёт кечириш, уни изчил тартибга солиш борасида муттасил изланган. Гарчи жамоа ҳаёти ва фаолиятини тўғри йўлга бошлаш масаласи анча мураккаб. Ҳамма нарса инсоннинг ўзигагина боғлиқ бўлганда, унинг мустақил, эркин ва ўзига маъқул бошқариш имкониятларига турли-туман объектив ёхуд субъектив тўсиқлар бўлмагандаги ижтимоий тангликлар анча кам содир этилиб, фаровонлик йўлига чиқиш осон кечган бўларди. Амалда эса кўпроқ унинг акси юз бермокда, одамзот муаммонинг ўта мураккаб, ечими учун сифат жиҳатдан мутлақо бошқа услублар, йўллар ва воситалар зарурлигини чуқурроқ англаб етса, уларни излашга жиддийроқ киришса ечим ойдинлик касб этиши эҳтимол.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Инсоният узоқ давом этган ўз ҳаёт фаолияти давомида юқорида кўтарилиган муаммонинг ҳал этилишига яроқли умумий бир андаза, қолип йўқлигини англаб етди. Шу нарса аёнки, дунё халқларидан ҳар бирининг ўз муаммоси мавжудлиги, унинг интеллектуал салоҳияти даражасига бориб тақалади. Ҳар бир элат географик, иқлимий ва ҳудудий қиёфа нуқтаи назаридан турлича жойлашган, уларнинг тарихи, турмуш шароити ҳам, табиийки, турлича кечган. Натижада уларнинг олам, инсон, қўни-қўшни, ҳаёт ва фаолиятга доир дунёning қиёфаси хусусидаги тасаввурида ҳам турли-туманлик, ранг-баранглик, баъзида эса мутлақо қарама-қарши йўналишлар шаклланди. Уларнинг дунё билан айнанлашуви ҳам бошқа-бошқа шаклда содир бўлди [1; 992]. Аммо инсон ҳаёти қаерда кечмасин, онг ва тафаккур йўналиши қандай шаклланмасин, дунё аҳлига хос умумий консенсус – жамият ҳаёти ва фаолиятини тартибга тушириш фақат ва фақат давлат бўлиб яшаш орқали кечиши мумкинлиги ва унинг объектив зарурат эканлиги билан изоҳланади. Инсониятнинг бой ижтимоий-тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқарув усули жиҳатидан монархия, республика; бошқарув мафкурасига кўра теократик, автократик, диктатура ва демократик тарзда ўзини намоён этади. Агар биз қадимги Хитойда чуқур илдиз отиб, бугунгача ўз таъсирини йўқотмаган, қисман ўхшашлик касб этувчи шакли замонавий Эронда нуқс этаётган меритократия (ҳокимиятнинг донишманд ва мутлақ ахлоқий-эстетик етук шахсларга нисбатан тақсимланиши) [2; 143-156] ёки доҳийлик (қабилавий менталитет асосида бошқарув) ва бошқаларни хусусий ҳолат деб қарайдиган бўлсак, давлатчилик шаклларининг мухолифсизлигини башариятга хос умумийлик сифатида қабул қилиш мантиққа зид эмас.

Мақолада кўтарилиган муаммо нуқтаи назаридан юқорида келтирилиган жиҳат жузъий ҳолат эмас, балки давлат халқ олдида ўз зиммасидаги тарихий вазифа ёки масъулиягини англаб этиши муҳим масала хисобланади. Шундай экан, давлатнинг салоҳиятига унинг

шакли ёки мафкурасига қараб эмас, балки жамият олдидаги бурчини қай даражада бажараётганлигига қараб баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, бугунги кунда мафкура ёхуд сиёсий-ижтимоий лойиха сифатида ўзини кўз-кўз қилаётган либерал-демократиянинг Farb амалиётидаги таназзул кўп масалаларга ойдинлик киритиб, афкор оммани хушёрликка, оқибатлар ҳақида жиддийроқ бош қотиришга унданмоқда. Жамият ҳаёти ва фаолиятини тартибга солишида, жамият ғайриинсоний қучлар таъсири остида таназзулга юз тутиши хавфининг олдини олишда бирдан бир реал куч давлат эканлиги ҳақида гап кетар экан, уни жамият аъзоларининг тасодифий ва стихияли бирлашмалари (турли қасбий, қабилавий этник гуруҳлар ва бошқалар)дан фарқли ўлароқ, аниқ мақсади ва шу мақсад атрофида аҳолини жипслаштирувчи ғояси, жамият аъзолари риоя қилиши лозим бўлган хуқуқий, ахлоқий тамойиллари ва ниҳоят, руҳий-маънавий бирлаштирувчи тарихий-ижтимоий қадриялар мажмуасига эга аниқ мақсад ва манзил сари интилувчи шахсларнинг мукаммал уюшмаси дейиш мумкин. Яхлит, кўпқирралি бир мажмуа (конгломерат) сифатида, давлатдан фарқли ўлароқ, жамият умумжамоавийликка дахлдор бошқа субъектлар билан функционал боғлиқликда ва уларнинг таъсири доирасида фаолият кўрсатади. Улар билан муттасил мuloқot, айрибошлаш ўзаро уйғунлиқда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, жамият кичик, ўртамиёна ёхуд кенг қамровли эканлигидан қатъи назар, тўлақонли жамият мақомида ўзини-ўзи давлатсиз бошқаришга қодир эмас. Боз устига у бошқа ижтимоий гуруҳлар сингари моҳияттан бошқарувга муҳтож. Мутахассислар фикрига кўра, жамият ҳаёт кечириши ва ўз мақсадига эришиши учун бегумон бошқа ижтимоий сегментлар билан боғлиқликда, ўзаро алоқадорликда бўлишига тўғри келади [3; 39]. Аммо бу реалликнинг жамият буюк ижодий потенциалга эгалиги, улкан кучига дахли йўқ, гарчи шу потенциалнинг ўзини намоён этиши, рўёбга чиқиши учун йўналтирувчи, ташкиллаштируви ва бошқарувчи энг муҳим омил сифатида яна давлат ўзини намоён қилиши ҳам исбот талаб қилмайди. Шу муносабат билан давлатнинг жамиятга хос ижтимоий муносабатлар, ўзининг тасарруфидаги таабалар, моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва қайта яратиш билан боғлиқ ранг-баранг юмушлар, ижтимоий ҳаёт ва фаолият (ижтимоий-иктисодий, ташкилий-институционал, маданий) турлари ўртасида боғлиқлик учун максимал шарт-шароит яратиш заруратини англашнинг ўзи жамият олдидаги вазифалар нечоғлик мураккаб, кўпқирралি эканлигини намоён этади. Бинобарин, давлат жамият ҳаёт ва фаолиятини шунчаки тартибга туширишдан ташқари, унинг соҳалари орасида зарур уйғунликни таъминлашга ҳам масъул ва қодир.

Жамиятда ҳамма соҳа бир текис, бир хил натижа қайд этиши мушкул. Бу жараённи уйғунлаштириш чораларини кўриш жамият эмас, давлат ва бошқарув органларининг бевосита масъулияти, вазифасига киради. Чунончи, жамият тармоқларидан бирортасида,

масалан, иқтисодда инқироз ҳолати рўй берса, унинг салбий таъсири сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ўзини кўп куттирмасдан намоён этади. Мутахасислар фикрига кўра, бундай вазиятда ҳатто “ижтимоий тараққиёт” деган тушунча ўз моҳиятидан бегоналашади, бир-бирини тўлдирувчи, бойитувчи ва яратувчи ўзаро ички боғлиқликка сезиларли путур этади [4; 53]. Тажриба шуни кўрсатадики, қадим замонларда ҳам таъсирли зотлар, салтанат соҳиблари таабалар турмуш шароитини муносиб бир тарзда ушлаб туришда “хукмдор-ҳокимият-тааба-халқ” шаклидаги ўзаро яхлит тизимга, олий мақсад йўлида бир-бирини тушунишга жиддий эътибор қаратишган. Сир эмас, улар бу улкан тизимда “давлат ҳокимияти” омилига алоҳида ўрин ажратишган. Ижтимоий бош-бошдоқлик ҳеч қачон самара келтирмаганлиги боис, жамият фақат маълум тартибот асосида шаклланиши ва амал қилиши назарда тутилиши зарур эдики, буни дунёда ўзлигидан айро тушмаган деярли барча халқлар тарихида кузатиш мумкин.

Буюк аждодларимиз Беруний, Форобий, Навоий, Амир Темурнинг ижтимоий тафаккур оламига мурожаат қилсақ, уларда барча тадбирлар амалга оширилиши энг аввало жамият ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро келишув (консенсус) билан боғлиқлиги аён бўлади. Унинг умумий майл эканлигини узоқ ва яқин халқлар, давлатлар дунёқарашидан жой олган тарихий мисоллар орқали тасдиқлаш мумкин. Жумладан, хитой халқи ижтимоий тафаккурига мансуб, янги эра тонготарида яратилган “Бошланғич нуқтани бой бермаслик” номли комусда “Йўлни ҳамжиҳатлиқда босиб ўтиш осмон гумбази остидаги барча инсонлар учун ўта зарур. Шунь (қадимий Хитойнинг афсонавий хукмдорларидан бири) ўз сухбатдошини саволга тутиш ва унинг заиф фикрларини таҳлил қилишни жуда хуш кўрар эди. Шу билан у сухбатдошнинг ўз оғзидан афзал томонлари билан бирга нолойиқ томонларини ҳам билиб олар эди. Аммо сухбат давомида Шунь ҳар икки томонни қўлдан чиқармасдан, таабалар билан мулоқотда мудом Бошланғич Нуқта, дастлабки бўғиндан диқатини узмаган” [5; 131], – деган бир битик мавжуд. Қиссадан ҳисса шуки, моҳиятан тарқоқ, турли-туман йўналишларни қамраб олган жамият, гарчи ўзига хос ижтимоий институт бўлса-да, давлат ҳокимияти таъсири, кўмаги ва қолаверса аралашувига мудом муҳтож эканлиги ойдинлашади.

Сўз юритилаётган мавзуга оид тафаккур дурдоналари ислом оламида қалам тебратган мутафаккирлар бисотида ҳам мавжуд. Мисол учун, X-XI асрлар чегарсида яшаб, баракали ижод қилган Абу-л-Ҳасан ал Мовардий жамият аъзолари, фуқаролар олдида давлатнинг масъулиятига оид қўйидаги мулоҳазаларни илгари суради: “Пайғамбар васиятларини, дунёвий юмушларни мулозимат олдида бажариш имомга, яъни давлат бошлиғига юклатилган. Бироқ баъзи кишилар бу юмушни жамоа ўз орасидан ақли расо бир кишини танлаб, унинг зиммасига юклаш зарур, деб ҳисоблашса-да, у нима учун зарурлиги борасида

умумий фикр йўқ. Бундай йўл тутмаслик эса ҳам ақлдан ва ҳам Аллоҳ иродасидир. Ақлдан деб хисобловчилар, акли расо одамлар таъбири бўйича бу масалада ҳукмдорга бўйсуниш зарур. Зеро, ҳукмдор одамларга бир-бирига нисбатан ноҳаклик қилинишининг олдини олади, англашилмовчилик, зиддият ва ноаҳллик жунбушга келган паллада эса ҳукмдор уларга нисбатан событқадамлик ва қатъият намойиш этади. Мабодо ҳукмдор бўлмаса, одамлар ўртасида бош-бошдоқчилик, саросима ва исрофгарчилик, хусумат абадий ҳукм сурган бўлар эди” [6; 179].

Бир-биридан фарқли ва йироқ географик минтақаларда, шунингдек, давр нуқтаи назаридан катта оралиқда айтилган юқоридаги икки фикр жамият ва давлат муносабати муаммоси тарихнинг ибтидосидан то бугунга қадар аждодлар ва авлодлар эътиборидан марказий ўрин олганлигини қўрсатади. Дарҳақиқат, “давлат” тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд ва бу табиий. Унинг асосий сабаби давлатнинг ибтидосидан то бугунигача феномен ёки жараён сифатида инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига дахлдорлиги, улардан ҳеч қачон йироқлашмаслиги, барча жамиятлар учун давлат институтининг заруратига бориб тақалади. Бу мураккаб ҳолат, жараён айни пайтда давлатнинг жамият билан боғлиқлиги, бу борада ўзаро кескин фарқли фикрларга сабабчи бўлаётганлиги ҳам бор гап. Унга ойдинлик киритиш мақсадида ижтимоий ҳаётда умуман давлатнинг вазифаси билан боғлиқ бир жиҳатга эътибор қаратиш фойдадан холи эмас. Масала, бир томондан, давлат жамиятни тартибга келтиришнинг сиёсий шакли, социумнинг яшаш, ўз-ўзини асраб қолиш учун зарур омил эканлиги, бошқа томондан эса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат алоҳида институционал ҳодиса эканлигига бориб тақалади. Шунингдек, давлат фуқаро хавфсизлиги, фаровонлиги, жамият яхлитлиги ва барқарорлигига масъул ҳамда сиёсий суверенитет билан боғлиқлиги ҳам бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга. Аммо мазкур илмий мақола мақсад-вазифаси нуқтаи назаридан биз учун муҳими давлатнинг жамият ҳаёт фаолиятини муттасил таркиблаштириш, яъни жамият аъзолари интеллектуал ҳамда моддий салоҳиятини бир жойда жамлаш кучига эгалиги ҳамда миллат борлигининг бирдан-бир яхлит кўриниши ва услуги эканлигини илмий-назарий жиҳатдан исботлаш билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллий давлатнинг ривожи ва равнақида айнан халқ, аввало таабалар бекиёс рол ўйнаган, унинг мақсад-муддаолари давлатни ҳар доим сергакликка, ўз функцияларини диққат марказида тушига ун dagan. Айни пайтда таабалар ҳақли равища давлатни яратувчи, ҳаёти ва фаолиятида бирдан-бир ҳал қилувчи куч ва таянч деб билишган. Шундай экан, жамият, аҳоли – таабалар туфайли давлат бор – акс ҳолда унга бўлган эҳтиёж ҳам йўқолади. Шундан келиб чиқиб жамиятга баҳо берадиган бўлсак, ижтимоий-гуманитар фанда эътироф этилган “давлат яратувчи жамият” [7; 172]

тушунчасининг нечоғлик реаллик эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Мазкур масала таҳлил қилинар экан, ўз-ўзидан буюк файласуф Жан Жак Руссонинг “агарки давлатнинг муддаоси умумий фаровонлик келтириш билан боғлиқ экан, унинг илдизини халқнинг, жамиятнинг умумий хоҳиш-иродасидан излаш лозим” [8; 167], – деган холосасининг моҳияти ойдинлашади. Демак, бу муаммо, яъни “давлат-жамият” муаммоси фақат бугун эмас, балки тарихнинг барча босқичлари ва барча мухитларда эътибор ва тафаккур марказида бўлганлиги англашилади. Қолаверса, у табиий хусусият тарзида одамзот учун жуда қадим замонлардан “жисм ва руҳининг бир қисми”га айланган. Давлат ҳамда жамият ўртасида азалий узвий боғлиқлик мавжудлиги, давлатнинг тартибга солиш функцияси ва уларнинг конституцион асосда жамият томонидан тан олиниши узоқ давом этган ва давлат учун ўзини тан олдириш, зарурлигини легитимлаштириш анча мураккаб жараён бўлганлиги тайин ва унинг сабаблари талайгина.

Гап шундаки, давлат ҳам, жамият ҳам тарихийлик, яъни бир фазадан иккинчи бир янги фазага ўтиб [9; 403], муттасил янгиланиш, янгича яшашга мослашлиш хусусиятига эга. Бундай паллаларда анъанавий иш бериб келган тажрибаларнинг яроқсизларидан воз кечиб, яроқлиларини эса замон талабига мослаштириш, айрим қўнималар ва ижтимоий лойиҳаларни ўтмишда қолдириш, батамом янги ёндашув, янги маданият ва янги амалиётнинг барча-барчасини аҳоли айнан давлатдан кутади ва талаб ҳам қиласи. Биринчи иқтидор даврида мустақил Ўзбекистонда “Давлат – бош ислоҳотчи” эканлиги миллий тараққиёт моделининг мухим тамойилларидан бири сифатида бежиз илгари сурilmag'an. Гарчи айни пайтда мазкур тамойил моҳиятан халчиллик ва янгича мазмун касб этиб, ташаббус субъекти таҳрирланган. Шундай паллаларда давлат жавобгар, масъул институт, сиёсий субъект сифатида мутлақо янги вазият қаршисида ноаниқлик, айрим ҳолатларда “боши берк кўчада қолиш” эффективни бошидан кечиради. Хуллас, жамият ҳаёт ва фаолиятига бош-қош бўлиш масъулияти давлат учун ҳар кун ва ҳар сония жиддий синовга айланади, бу синовдан ўтиш йўллари эса чекланган эмас. Табиийки, бундай шароитда барча учун бирдай қўл келадиган умумий қоидалар, услублар, андазалар мавжуд эмас. Юқорида эслаганимиз биринчи иқтидор ўз даврида дунёда нечта халқ, жамият бўлса ҳар бири ўзгача, бир-бирига айнан ўхшайдиган икки халқ бўлмайди, деганда шу ҳолатни назарда тутганлиги ойдинлашади. Шундай экан, ҳар бир халқнинг, давлатнинг ўз “тарихий-маданий коди”, шундан чиқиб оламнинг манзараси ва сийратини ўзича тасаввур этиш, тушуниш ва талқин қилиш услуби ва шакли мавжуд. Айнан шундай тарихан долзарб ва ҳам мураккаб паллаларда шу халқ тақдери учун бош масъул субъект сифатида давлат ўз моддий ва маънавий ресурслари, бор ички салоҳиятини ҳаракатга келтириши давр талабига айланади.

Яқин тарихимиздан мисол оладиган бўлсак, эндиғина оёққа туриб, ҳал қилувчи паллаларда вояга етаётган замонавий ўзбек давлати жамиятни тартибга тушириш, унинг турли-туман жабҳаларини бир-бирига яқинлаштириш муаммосига дуч келди. Ўша мураккаб даврга баҳо берар экан, биринчи иқтидор: “Ҳеч кимга сир эмас, биз ҳозир тарихий тақдиримизнинг энг мураккаб ва энг муҳим даврини бошдан кечирмоқдамиз. Бутун дунё тан олган мустақиллигимиз туфайли асрлар оша давом этган даҳшатли таназзул ва мустамлака балоларидан халос бўлмоқдамиз...” [10; 104], – деганда ҳақ эди. Хуллас, Ўзбекистон мисолида, мустақилликка эндиғина эришган, шаклан ва мазмунан бошқа бир тарихий босқичга ўтган барча давлатларда моҳияттан бир хил – жамиятнинг ўтиш паллаларида улкан ижтимоий-сиёсий эврилишларга дуч келиши қонуният эканлиги аён бўлади ва бу ўз навбатида давлатдан фавқулодда қарорлар ҳамда ностандарт ечимларни талаб қиласди.

Жамият мураккаб ва кўп жабҳали тизим: иқтисод, сиёsat, ижтимоий ва маданий соҳалардан иборат. Уларнинг мотивацияси, функцияси, йўналиши ва ташкилий тадбирлари ҳам бир хил эмас. Айрим жойларда гўёки уларни бир маҳражга келтириш, олий мақсад – инсон фаровонлигига йўналтиришнинг деярли иложи йўқдек туюлади. Бироқ инсон мавжудлиги ва истиқболи нуқтаи назаридан шундай муаммолар борки, уларнинг ечимини топиш давлатнинг кечиктириб бўлмас қарорлар қабул қилишини тақозо этади. Улардан бири – жамиятнинг турли соҳалари ўртасида муттасил уйғунликка эришиш. Бу ўз навбатида ижтимоий мулокот ва ўзаро муносабатлар мароми, манфаатлар тизимида умумий бирлаштирувчи нуқтанинг пайдо бўлишига олиб келади. Ва бу шундай умумийликки, унинг атрофида барча манфаатлар ўзаро яқинлашишга маҳкум. Мабодо бундай бўлмаса алоҳида манфаатлар ҳам, ижтимоий муносабатлар ҳам ва ҳато жамият ҳам барҳам топади [8; 149]. Бу хулоса гарчи Жак Жак Руссо томонидан айтилган, аммо айни паллада ҳам долзарб эканлиги исбот талаб қилмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, давлат ҳокимияти ушбу мураккаб жабҳада фаолият юритар экан, гурухий манфаатлар, интилишларнинг мустақиллигини эътироф этиши баробарида уларнинг рўёбга чиқишига шарт-шароит яратишга ҳам масъул. Айни паллада давлат кўп қиррали гурухий манфаатлар тизимлари орасидан аҳолининг умумий фаровонлиги учун лозим бўлган фундаментал қатламни ажратиб олиб, уни миллий стратегиянинг асосий йўналишига айлантиради. Ижтимоий гурухлар учун хусусий, умумдавлат манфаатларидан у ёки бу даражада фарқ қилувчи жиҳатларга бош-қош ва раҳнамо бўлмиш давлат гурухий манфаатларнинг умумиллий манфаатларга меъёрдан ошиқ зид келишига йўл қўймаслик пайдидан бўлади. Акс ҳолда бундай ҳолат фуқаролик жамияти билан умумиллий манфаатлар орасида сезиларли жарлик пайдо бўлишига замин ҳозирлаши эҳтимоли ортади.

Бу давлатчилик имижига, давлатнинг сиёсий мавқеи ва мақомига улкан зарар келтириши турган гап.

Энг нохуш жиҳат шундаки, мамлакатда ижтимоий табақаланиш, ўта бойиб кетган шахслар давлатнинг жамият аъзолари кучи ва салоҳиятини бирлаштириш қобилиятига салбий таъсир ўтказади. Жамият аъзолари – фуқаролар ҳамда давлат органлари ўртасида ишончсизлик кайфияти авж олиши хавфи ошади. Бундай муракабликка дучор бўлган халқлар, салтанатлар аввал ҳам бўлган ва бугун ҳам йўқ эмас. Бу ҳолат баъзи бир илмий адабиётларда “давлат обструкцияси” [11; 576-577], обрўсизланиши деб тавсифланган. Маълумки, жамият хаёти ва фаолиятини бир маромга туширишда миллатлараро муносабатларга алоҳида эътибор давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб келган. Зоро, дунёнинг ҳеч бир бурчаги ёхуд худудида ягона миллатдан иборат жамият йўқ ва у айниқса глобаллашув даврида факат чуқур илдиз отиб бораверади. Гап шундаки, миллат омили реаллик ҳамда гоя сифатида жамиятнинг муҳим сегментларидан бўлиб, жамиятнинг бугуни ва истиқболи қай тарзда кечиши устувор даражада унинг кайфияти, жамият, давлат билан ўртасидаги айнанлик даражасини аниқ ҳис этишига боғлиқ. Шу боисдан жамиятнинг ботиний ва зоҳирий имкониятлари, миллат салоҳияти давлат мутасадилари муаммони ҳис этиши даражаси билан бирга, давлатнинг кучи ва обрў-эътиборига ҳам бориб тақалади.

Жамият фаолияти маромини ушлаб туришда миллатлараро муносабатларни тўғри йўналтириш масаласи ўта муҳим. Мазкур масала ечимига муносабат барча давлатларда турли-туманлиги боис унинг ечими ноёблик касб этади. Демак, жамият кайфияти ва кундалик фаолиятига таъсири нуқтаи назаридан миллатлараро мулоқотни зарур даражада таъминлаш сиёсати олдинги ўринга чиқиши табиий. Ушбу сиёсий жараённинг илдизи, бирламчи қатламлари асосий кўпчиликни ташкил этувчи миллат анъаналари, урф-одати ва менталитети билан чирмасиб кетганлиги қўшимча муаммоларга сабаб бўлиши мумкинлигига тарих ва ҳозирги замон гувоҳ. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бу муаммо сиёсий ирода воситасида бешигидаёқ бартараф этилиб, миллатлаларо тотувлик таъминланган.

Ўзбекистонда яшовчи турли этнос вакиллари мазкур коституциявий хуқуқ ва бурчларни ёдда тутган ҳолда ўзаро мулоқотни йўлга қўйиши лозимлигини таъкидлар эканмиз, инсоният тарихининг бугунги босқичида ўзини ижобий маънода яққол намойиш қилаётган Хитой политологи Цзин Цанжуннинг фикрига эътибор қаратсак. “Халқаро ҳамжамият, хусусан Фарб дунёси Хитой билан танишиш паллаларида кўп тушунмовчиликларга учрайди. Совуқ уруш тугаганидан то иқтисодий танглик даврига қадар Фарб дунёси ҳар доим Хитой ҳакида нотўғри фикрда бўлиб келган... Улар камдан-кам холларда мамлакатларнинг фарқлари ва ўзига хос миллий хусусиятлари хусусида бош қотиришади”

[12; 256]. Бу фикр бежиз келтирмади, Фарб адазаларини тиқиширига уриниш ва турли босимлар бизга нисбатан ҳам амал қылмоқда. Ўзбекистонга нисбатан оммавий онг даражасидаги худди шундай узук-юлук фикрлар, “дўстона маслаҳатлар”, таклифларни мустақиллик даврида кўп эшитдик ва булар ҳамон янграмоқда. Тўғри, туб миллат ҳаётида функционал трансформация содир бўлган пайтда ўзга этносларга мансуб юртдошларимиз онги, қалбида қандайдир иккинчи даражали фикр-ўйлар юзага қалқиб чиқиб, ўз навбатида, бу уларнинг хатти-ҳаракатига ўёки бу тарзда таъсирини ўтказганлиги бор гап. Бу борада биринчи иқтидор ўз вақтида юзага келган мунозарали вазиятни шундай тавсифлаган: “Табиийки, бу ҳаяжонли асноларда қувонч билан бирга “Ўзбеклар ўз ери, ўз эркига эгалик қилса, бизнинг фарзандларимиз тақдири қандай кечади?”, деган шубҳалар ҳам бор эди” [13; 71]. Аммо сиёсий тажриба орттиришга улгурмаган, эндиғина иқтидорга келган ўзбек давлати бу масалада ҳам зиммадаги энг муқаддас вазифа миллати, дини, касби-кори, жамият ҳаёти ва фаолиятига қўшаётган улушидан қатъи назар қўпмиллатли, қўпконфессияли Ўзбекистоннинг фаровонлиги, озод ва ободлиги, равнақига ҳамнафас ва бош ташкилотчилигини намоён эта олди.

Ж.-П.Сартр таъбири билан айтганда, навқирон ўзбек давлати бу масалада ҳам ўзини кўз-кўз қилмасдан, кези келганда трансцендентал, аммо улкан куч-кудрат, салоҳият сарчашмаси [14; 55-56] сифатида, ўз ҳалқи олдида вазифасини тўла-тўқис бажарди ва бажариб келмоқда. Умуммиллий вазифалар учун масъул институт сифатида давлат доимо жамият манфаатларига тегишли юмушлардан энг муҳимларини ўз зиммасига олади. Жамият хавфсизлиги, маданий ҳамда миллий айнанликни муҳофазаси шулар жумласидан. Гап давлатнинг функцияси билан боғлиқ турли-туман юмушлар орасида энг устувори ҳақида бормоқда. Зеро, давлатнинг моҳияти, энг аввало, унинг табиати, яъни унинг барқарорлиги, ҳаётбахшлиги билан белгиланади” [15; 78]. Глобаллашув ва ҳатто давлатлараро, инсонлараро муносабатлар янги даврга ўтган паллада давлат олдида ўз-ўзини йўналтириб бориш, фуқаролар моддий ва маънавий эҳтиёжларини мустақил тарзда қондиришга қодирлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш вазифаси борган сари мураккаблашиб бормоқда [15; 80]. Ва бу ҳолат қандайдир тўсатдан юзага келмади ва қола-верса у давлатнинг моҳияти, бурчи ва масъулияти билан боғлиқ. Бундай шароитда давлат олдида, жамият бир бутунлиги, маданий ҳамда миллий айнанликликни асраршдек мураккаб вазифа бўй кўрсатади. Башарти миллий-маданий айнанликка путур етса, ахборот асри ва глобаллашув амрига кўр-кўрона итоат этилса жамият, ҳалқ ўз айнанлигидан чекинса, жамият ҳам, давлат ҳам барбод бўлади.

Давлат ва жамият ҳаёти, фаолият мароми, унинг ички тамойиллари хусусида гап борар экан, гарчи бошқа ижтимоий жараёнга нисбатан айтилган бўлса ҳам, Қадимги Шарқ

алломаларидан Мэн Цзынинг “аввало халқ – кейин давлат” [16; 114], – деган фикри ва ҳозирги замон олимларидан Р.Карнапнинг “Мабодо бирор бир жараён ёхуд ҳодисанинг ҳар доим ва ҳамма жойда қайтарилиши кузатилса, у пировардида универсаллик, ҳамабоплик касб этади” [17; 39], деган мутлақо икки шароит ва турли замонларга нисбатан айтилган хуносаларида қандайдир диалектик боғлиқликни яққол кузатиш мумкин. Айни пайтда биз учун уларнинг қайсиdir семантик турдошлиги эмас, балки улардаги воқеа-ҳодисалар мароми дунёning барча минтақаларида бирдай шакл касб этишини англатиши муҳим. Қиссадан ҳисса шуки, замонавий давлатлар учун ўзини асрash баробарида халқни, жамиятни таркиблаштириш, ташкиллаштириш бурчи, азалий воқеликнинг доимо ҳис этилиши ўзига хос ижтимоий зарурат эканлигини англаш муттасиллик ва мунтазамлик, доимийлик ва узвийликнинг муҳим ва зарур шарти ҳисобланади.

Юзаки қараганда давлат ва жамиятга хос маданий ва миллий айнанлик омили ўртасида уйғунлик яққол кўзга ташланмайди. Давлат – ижтимоий-сиёсий институт шаклида устувор даражада сиёsat макони бўлса, жамиятнинг ўзини ўзи англаши, айнанликка интилиши ижтимоий-маданий ва ўзини идрок этиш унсури билан алоқадор. Бироқ глобал миқёсда ҳар иккалasi катта сиёsat муаммосига айланади. Мабодо жамиятда айнанлик шаклланмаган ёки турли таъсирлар сабаб халқда таназзул, емирилиш бошланса, халқ сабабни давлат билан боғлаши исбот талаб қилмайди. Айнанликка эришган жамият эса давлат билан ҳам айнанликка эришиши мантиққа зид эмас. Айнанлашиш ёки айнанликнинг чуқур ички қатламларида жамият ривожи, бардавомлиги учун зарур қонун-қоидалар, хатти-ҳаракат меъёрларига доир ахлоқий ва хулқий асослар, асрлар ва ҳатто минг йилликлар мобайнида сайқаллашган йўл-йўриқлар тизими қарор топиб, жамият ҳам, давлат ҳам унга ғайришуурый тарзда риоя қиласи. Борди-ю, турли сабаблар боис унга раЖа тушса, давлат хотиржамликка берилса, унда жамият олдидаги масъулияти ва бурчини ўринлатиб бажармаганлиги ортидан ижтимоий парокандалик гирдобига тортилиши эҳтимоли ортади. Бундай паллаларда давлатдан, сиёсий масъул шахслардан азалий бунёдкор универсалийлар ва ижтимоий мўлжалларни қайта идрок этиш, қадриятларни қайта баҳолаш, абадийликни асрash учун янги уфқлар сари марра олиши [9; 463] талаб этилади.

Таҳлил жараёнида давлат ва жамиятнинг пировард мақсадлари, улар ўртасидаги ўзаро ички боғлиқлик, мулокот, ўзаро бурчларидан келиб чиқиб фуқаролар фаолиятини уюштиришда давлат олдида турли даражадаги вазифалар, юмушлар мавжудлиги ҳамда муайян пайт учун улардан муҳимларини саралаш, ҳал этиш вазифаси воқелик эканлиги ойдинлашди. Демак, жамият шунчаки назоратсиз одамлар тўдаси эмас, балки ўз моҳиятига кўра жамоавийликка, ҳамнафасликда фаолият юритишга, аниқ мақсад сари интилишга мойил, шунинг баробарида ўзига қараганда юқорироқ даражадаги тартиботга муҳтоҷ [18;

33] ижтимоий ҳодиса сифатида бошқарувни тақозо этадиган ижтимоий бирлик эканлиги ўз тасдигини топди.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги глобаллашган дунёда бир миллатли, содда жамият йўқ. Жамият ҳаётй фаолиятининг янада юксакроқ пиллапояларга кўтарилишида давлатнинг миллатлараро, конфессиялараро муносабатларни жамият аъзолари истак ва манфаатлари даражасида тартибга солишдаги роли бугунги таҳликали дунёда янада ошиб бормокда. Мазкур ҳолат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан чуқур ҳис этилган, унинг ижтимоий дастур ва амалиётга айлангани сари жамият онг ва тафаккури, фаолиятида жамоавий айнанлик ҳисси чуқур илдиз отиб бораверади. Хуллас, жамият ҳаёти ва фаолияти ҳамда давомийлиги, давлатнинг моддий ва маънавий ресурслари-ю, қудрати, сиёсий салоҳияти орқали давлат стратегиясига айлансанагина воқеликка юз тутиши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Идентичность, личность, общество, политика. Энциклопедическое издание. – М.: «Весь мир», 2017.
2. Федотова В.Г., Федотова Н.Н., Чугров С.В. Культура, институты, политика // Полис. – 2018. – №1. – С. 143-156.
3. Момжян К.Х. Гипотеза общественного прогресса в современной социальной теории // Вопросы философии. – 2016. – №10.
4. Пятигорский А. Непрекращающийся разговор. – Санкт-Петербург: “Питер”, 2004.
5. Удержание Изначального / Перевод И.Канаева // Вопросы философии. – 2018. – №8.
6. Абу-л-Ҳасан ал Моварди. Законы власти и религиозное правления / Перевод Т.Туманяна // Вопросы философии. – 2018. – №5.
7. Галиев Ф.Х. Комаров С.А. Общество и государство: современные точки соприкосновения // Государство и право.– 2018. – №12.
8. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре // Трактаты. – М.: “Наука”, 1969.
9. Стёпин В.С. Философская антропология и философия культуры. Избранное. – М.: “Альма-Матер”, 2015.
10. Каримов И.А. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи қатнашчиларига табрикнома // Асарлар, 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
11. Гумилев А.Н. Древняя Русь и Великая степь. – М., 1994.
12. Цзинь Ҷанжун. Буюк давлат масъулияти: Хитой истиқболи. – Тошкент: Академнашр, 2017.

13. Ўзбекистон мустақиллиги – миллатлараро муносабатларда янги давр // Ўзбекистон – умумий уйимиз. Узбекистан наш общий дом. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001.
14. Сартр Жан-Поль. Марксизм и экзистенциализм // Вест. Моск. Ун-та. Философия. – 1990. – Серия 7.
15. Кутовой Д.А. Сущность государства информационного общества: Дихотомия власти отношений // История государства и права. – 2019. – №4.
16. Чинь У. Философские идеи. – Пекин-Шанхай, 2009.
17. Карнап Р. Философские основания физики // Введение в философию науки.
18. Ризоев Ш.Х. К вопросу о социальной природе власти // Вопросы политологии. – 2018. – №5. Т. 8.